

Тошкент. Матбуотчилар кучаси 6 уй. Президент девонига Президент Ислон Каримовга
Тошкент. Олий Мажлис. Сенат рахбари Мурод Шарифхужаевга
Фаргона шахри. А.Навоий кучаси 16 уй. Фаргона вилоят Хокими Шермат Нурматовга
Фаргона шахри. Шамсуддинов кучаси 16 уй. Фаргона вилоят прокурорига
Фаргона шахри. Мирзо Голиб кучаси 1 уй. Фаргона вилоят Ички Ишлар
Бошкармаси бошлиги ва Тергов бошкармаси бошлигига, терговчи Шухрат Ёкубовга
Фаргона шахри. М.Голиб кучаси 1 уй Вилоят МХХ бошкармасига

Гумонланувчи Маъмиржон Мисиралиев, унинг химоячиси М.Тожибоевадан ва
«Фукаролик жамияти» Халк харакати, «Утюралар» клуби номли, «Кийноктарга
карши хукукшунослар», «Халкпарвар», «Тезкор журналистлар» инсон хукуктларини
химоя килиш ташкилотлари фаолларидан

ТАЛАБНОМА ТЕЛЕГРАММА

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ХУКУМАТГА КЕРАКМИ, ЁКИ ХУКУМАТ РАХБАРЛАРИ
ФУКАРОЛИК ЖАМИЯТИ КУРАМИЗ ДЕБ ЖАХОН ХАМЖАМИЯТИНИ ВА УЗ ХАЛКИНИ
АЛДАЯПТИМИ? ЖИНОЯТЧИ СЕНАТОРНИНГ КУЛИ КАЧОНГАЧА УЗУН КЕЛАДИ?**

16 сентябрь 2005 йил.

Мухтарам Президент.

«Утюралар» клуби номли инсон хукуктларини химоя килиш ташкилоти аъзоси, «Фукаролик жамияти» Халк харакатининг фаоли, инсон хукуки химоячиси Олтиарик туманида яшовчи Маъмиржон Мисиралиев Олтиарик тумани собик хокими хозирги Охунбобоев туман хокими Сенатор Ноъмонжон Омонов бошчилигидаги коррупция вакилларининг давлат мулки хисобланмиш ерларни талон-тарож килганликлари натижасида жиноят содир этганликлари, бунинг натижасида мамлакатнинг иктисодиётига жуда катта зарарлар келтириляётганлиги хакида Сизга юборган телеграммаларини Фаргона вилоят хокимиятига ушбу важларни текшириш учун юборилган эди. Фаргона вилояти хокимияти топширигига асосан эса текширувлар утказиш Олтиарик туман Хокимининг биринчи уринбосари Суяркулов Абдужабборга, Гайрат Кишлоқ фукаролар йигини раиси Холида Жабборовага, Фаргона вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси мутахассиси М.Исмоиловга, Олтиарик тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри етакчи мутахассиси Р.Хакимовга топширилган экан. Бу шахслар фукароларнинг мурожаатлари хакидаги конунни оёк ости килиб, телеграмма муаллифи Маъмиржон Мисиралиевни телеграммада келтиран важларини тулик урганмасдан, уни узини текширишга жалб килмасдан туриб, Сизни, Сиз бошкараётган хукуматни алдаб «Мисиралиевнинг Президентга юборган телеграммаси узининг иштирокида текширилганда келтирилган важлар уз тасдигини топмади» деб жавоб йуллаш билан чегараланишган. Вахоланки бизнинг кулимизда «Ўзбекистон» ширкат хужалиги рахбари Расулжон Хамдамовни Ноъмонжон Омонов хомийлигида миллионлаб сумлаб давлат мулкани талон тарож килаётганликларини исботловчи аудитор текшириш хулосалари мавжуд.

Маъмиржон Мисиралиев мамлакат иктисодиётига куплаб миқдорда иктисодий зарар етказяётган коррупционерларнинг кирдикорларини фoш килиб Сиз таргиб килаётгандек жамоатчилик назоратини амалга оширишга хисса кушмокчи булганлиги учун жиноятчига айланди. Республика «Кадрият» газетаси ва жиноятчиларнинг югурдаги булган Олтиарик туманидаги «Давр овози» газеталари «Найзадин, Киличидин бухтон ёмондир» номли тухмат макола чоп этди. Маъмиржон Мисиралиевга нисбатан май ойида кузгатилган жиноят ишидан Мисиралиевнинг узи факатгина 6 август куни хабардор булди холос.

29 август куни биз Фаргона вилоят прокуратурасига ва Вилоят Ички Ишлар бошкармасининг тергов бошкармаси терговчиси Шухрат Ёкубовга 29 август телеграмма юборган эдик. Бу телеграммамиз матнида куйидагилар ёзилганди:

«Биз Мисиралиев Маъмиржонга нисбатан кузгатилган жиноят иши буйича биринчи булиб Сизларга ошёвий далил сифатида тақдим этганимиз Мисиралиев Маъмиржонни уйига боскинчилик қилиш ниятида бостириб қирган Турдалиев Мухтор исмли шахсан узи томонидан Мисиралиев Маъмиржонни хонадонига боскинчилик қилиб қирганлигини исботловчи ва қирганлигини асослаб берган узининг овозлари ёзиб олинган аудиокассетадаги овозларни аниқлаш мақсадида Хадича Сулаймонова номли экспертиза бюроси орқали фоноскопик экспертизадан утказишингизни, Мисиралиев Маъмиржон томонидан Мамлакат Президенти номига Давлат мулки хисобланмиш ерларни гайриконуний равишда сотиб юборилаётганлиги хақида юборган телеграммаси юзасидан Фаргона вилояти хокимияти топширигига асосан текширувлар утказган Олтиарик туман Хокимининг биринчи уринбосари Суяркулов Абдужабборни, Гайрат Кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Холида Жабборовани, Ўзбекистон ширкат хужалиги раиси Хамдамов Расулни, Фаргона вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси мутахассиси М.Исмоиловни, Олтиарик тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри етакчи мутахассиси Р.Хақимовни, Зуфаров Султонни, Абдураим Бобоевни гувоҳ сифатида сурок қилиб, кейин бу 7 нафар шахслар билан Маъмиржон Мисиралиев билан юзлаштириш тергови утказишни қатъий талаб қиламиз.»

Жаноб Президент, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилоти фаолининг устидан кузгатилган ушбу жиноят ишидан халқаро матбуотлар, халқаро ташкилотлар ва кенг жамоатчилик тулигича хабардор. Ушбу жиноят иши юзасидан халқаро матбуотларда репортажлар ёритиб борилмоқда. Балким Сиз уйлаётгандирсиз, гумонланувчининг талаблари қонуний, вилоят прокуратураси ва вилоят Ички Ишлар бошкармасининг тергов бошкармаси терговчилари ушбу қонуний талабларни бажаргандир деб. Афсуски бу қонуний талабларни биронтаси ҳам бажарилмади. Аксинча 1991 йилда жиноят кодексининг 127 моддаси 2 қисми, 210 моддаси 2 қисми, 204 моддаси 3 қисми билан судланиб 10 йилга, 2000 йилда Жиноят кодексининг 276-моддаси 1 қисми билан 3 йилга қамалган, 2005 йил 28 январь куни 6 ойга маъмурий назоратга олинган Турдалиев Мухтор 15 сентябрь куни спиртли ичимлик ичиб, аввал Олтиарик тумани Гайрат қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Абдумуталип Умаркуловнинг хонадонига угирилиқ жинояти содир этиб, электромоторни угирлаб чиқиб кетиб, кейин ярим кечаси ута маст холатда жиноят содир этишни давом эттириб, Маъмиржон Мисиралиевнинг хонадонига бостириб бориб «Агар Маъмир қовдиқовдини бас қилмаса кизини қайтиб қурмайди. Кизи бугун соат 3 да уқишдан қайтди, кизи Маргилондаги коллежда уқийди, Маргилондаги мана бу адресда ижарада туради. Эртага эрталаб соат 7 да мени уйимга бориб, ерларни талон тарож қилинганликлари хақидаги фактларни терговда фош қилмайман деб ваъда берсагина кизига тегмаймиз, булмаса узидан курсин» деб жияни Тошпулатов Иқболни қурқитган.

Вилоят прокуратураси ва тергов бошкармаси эса бизнинг қонуний талабларимизни бажармасдан Мисиралиевга айблов эълон қилишга қарор қилишди. Эртага 17 сентябрь куни Мисиралиевга нисбатан айб эълон қилинади. Биз Мисиралиев Маъмиржонга нисбатан кузгатилган жиноят иши буйича ошёвий далил сифатида қабул қилинган Мисиралиев Маъмиржонни уйига боскинчилик қилиш ниятида бостириб қирган Турдалиев Мухторни овозлари ёзиб олинган аудиокассетадаги овозларни аниқлаш мақсадида Хадича Сулаймонова номли экспертиза бюроси орқали фоноскопик экспертизадан утказишни, Мисиралиев Маъмиржон томонидан Мамлакат Президенти номига Давлат мулки хисобланмиш ерларни гайриконуний равишда сотиб юборилаётганлиги хақида юборган телеграммаси юзасидан Фаргона вилояти хокимияти топширигига асосан текширувлар утказган Олтиарик туман Хокимининг биринчи уринбосари Суяркулов Абдужабборни, Гайрат Кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Холида Жабборовани, Ўзбекистон ширкат хужалиги раиси

